

**ПЛАНТАСТИК БИОПРЕПАРАТИНИ БОДРИНГ ФУЗАРИОЗ КАСАЛЛИГИНИ
ҚЎЗҒАТУВЧИСИГА ТАЪСИРИ**

С.Хадиева

*Тошкент давлат аграр университети Мева-сабзавотчиликда
биотехнология мутахассислиги 2-курс магистр талабаси*

М.Л.Бўсинов

Қ/х фитопатологияси ва агробиотехнология кафедраси ассистенти

Анотация: *Мазкур мақолада бодринг ўсимлигида сўлиш касаллигини келтириб чиқарувчи *Fusarium* туркумига мансуб замбуруғларни Плантастик биопрепаратининг $1 \cdot 10^6$ кхқб/мл титрдаги сарф мэъёри синалганда касал ўсимликдан ажратиб олинган *Fusarium* туркумининг 6, 10, 13, 17 штаммларига нисбатан препаратнинг самарали таъсир этиши кузатилган.*

Калит сўзлар: *Петри лycopчаси, Термостат, Плантастик, биопрепарат.*

Бодрингнинг Тошкент вилояти шароитида кенг тарқалган ва катта зарар келтирадиган касалликларидан бири фузариоз сўлиш ҳисобланади. Бу касалликка қарши асосини *Trichoderma* замбуруғининг бирор тури ташкил қилган биопрепаратлар самарали натижа бериши кўплаб илмий адабиётларда келтирилган.

Шу сабабли Тошкент вилояти шароитида етиштирилган фузариоз сўлиши касаллигига чалинган бодринг ўсимлигидан касаллик қўзғатувчисини ажратиб олиш ва унинг соф культурасига *Trichoderma lignorum* замбуруғи асосида яратилган "Плантастик" биопрепаратини тиъсири лаборатория шароитида ўрганилди.

Бунинг учун бодринг етиштиралоеътан экин даласидан ташқи белгилари билан фузариоз сўлишни намоён қилган бодринг ўсимликлар лаборатория шароитида микологик тахлил қилинди. Бодрингнинг касал ўсимлик намуналари лабораторияда оқиб турган водопровод сувда яхшилаб ювилди ва 10-15 дақиқа намуналар устидан сув оқизиб қўйилди. Сўнгра касал бодринг ўсимлигидан касаллик қўзғатувчисини ажратиб олиш учун намлик камерасига жойлаштирилди. Намлик камерасига намуналар жойлаштириш учун улар 0.5-1 см катталиқда қилиб қирқиб олинди ва улар 1 % NaOCl (натрий гипохлорид) эритмасида 30 сония ушлаб турилди ҳамда 3-4 марта стерил сувда яхшилаб ювилди. Бундай бодринг ўсимлиги бўлаклари тубига филътр қоғоз тўшалиб, стерил сув билан намланган Петри лycopчаларига 5-6 донадан қилиб териб чиқилди.

Касаллик кўзғатувчи замбуруғни ўсиб чиқиши учун Петри ликопчалари ҳарорати 24-26 С, намлиги 85-90 % бўлган термостатга жойлаштирилди ва улар 3-кундан бошлаб кузатилди. Намуналардан униб чиққан замбуруғлар пробиркадаги агарли сусло озикаси софъ культура сифатида ажратиб олинди ва уларни аниқлагичлар ёрдамида тури аниқланди. Ажратилган *Fusarium* туркумига мансуб замбуруғларнинг 85.4 % *Fusarium oxysporum* f.sp. *cucumerinum* турига мансублиги, қолганлари *Fusarium* туркумининг бошқа турлирига кириши маълум бўлди.

Касал бодринг ўсимликларидан ажратиб олинган *Fusarium* замуруғига нисбатан бу турнинг штаммларига “Плантастик” биопрепаратининг 1.10^6 кхқб/мл титрдаги эритмасига бортирилган фильтр қоғоз дисклари синалганда 6, 10, 13, 17 штаммларига нисбатан препаратнинг самарали таъсири кузатилди. Бунда фильтр қоғоз дисклар атрофида 0.4-12 мм стерил зоналар ҳосил бўлди.

Демак бодринг ўсимлигининг фузариоз сўлиш касаллигига нисбатан “Плантастик” биопрепаратини қўллаш бўйича тажрибаларни давом эттириш мақсадга мувофиқ экан.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Мухамеджанов Н.З., Қурбанова Д.И., Хамидова М.А., Лопатко Л.П. Лечебное применение овощных салатов, -Ташкент: Навруз, 1993,-80 С
2. Сусидко П.И Биопрепараты –перспективные препараты // Агро XXI, 1998, №5. –С. 20-21
3. Яхин О.И., Лубянов А.А., Яхин И.А. Современнқе представления о биостимуляторах // Агрохимия, 2014, №7 –С.85-90